УНДОШ ФОНЕМАЛАРНИ ТАСНИФЛАШДА БИР ЎЛЧОВЛИ ЗИДЛАНИШЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Д.Набиева, Н.Юсупова

Мақолада фонологик бирликларни, хусусан, ўзбек тилидаги ундош фонемаларни таснифлашда бир ўлчовли зидланишларнинг ўрни ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *фонема, фарқловчи белги, зидланиш, фонетика, фонология, тасниф.*

В статье рассматривается вопрос о роли одномерной оппозиции при классификации фонологических единиц, в частности, согласных фонем узбекского языка.

Ключевые слова: *фонема, дифференциальный признак, оппозиция, фонетика, фонология, классификация.*

This article deals with the problem of phonological units, particularly, the role of invariant opposition of consonant phonemes of Uzbek is taken into consideration.

Keywords: *phoneme, differential sign, opposition, phonetics, phonology, classification.*

Тилшуносликда XIX аср охирида нутқ товушларининг акустик-артикуляцион томонидан функционал томонини фарқлаш эҳтиёжи натижасида фонология майдонга келди. Ф.де Соссюрнинг фикрича, фонетика тарихий фандир. У воқеаларни, ўзгаришларни таҳлил этади, замонда ҳаракат қилади. Фонология замондан ташқаридир. Чунки артикуляция механизми доимо ўзига ўзи ўхшашлигича қолаверади [1. 70].

Кейинчалик фонология тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида фонемаларнинг фарқловчи белгиларини ўрганувчи фан сифатида эътироф этилди. Фонемаларнинг бевосита нутқ жараёнида реаллашуви эса фонетиканинг ўрганиш объектига айланди.

Н.С.Трубецкойнинг таъкидлашича, фонетиканинг ўрганиш объекти бўлган товуш кўп миқдордаги акустик ва артикуляцион белгиларга эга бўлади ва уларнинг барчаси фонология учун муҳим саналади. Чунки уларнинг ҳаммаси эътиборга олинган ҳолдагина у ёки бу товушнинг талаффузи ҳақида тўғри жавоб беришга имкон яратади [3.74].

Демак, хусусийликларсиз умумийликнинг бўлиши мумкин бўлмагани каби, фонетикасиз фонологиянинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Фонетика фонология учун материал беради. Фонетика муайян товушнинг талаффуз жараёнида эга бўлган барча акустик ва артикуляцион белгиларини ажратиб беради. Фонология эса ушбу белгиларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини солиштирган ҳолда уларнинг интеграл ёки дифференциал эканлигини аниқлаб беради. Дифференциал белгилар бир бирликни иккинчисидан фарқлаш учун асос бўлади. Кўринадики, фонетика ва фонологиянинг ўрганиш объекти битта: биринчиси энг кичик нутқ бирликларини, иккинчиси эса шу нутқ бирликларининг фарқловчи белгиларини ўрганади.

Л.В.Шчерба фонологик сатҳда умумийлик ва хусусийлик диалектикасининг фонема ва унинг оттенкаларида намоён бўлишини таъкидлайди. Унинг фикрича, умумийнинг (фонеманинг) талаффуз қилинган реал кўринишлари оттенкалардир. Бевосита кузатишда берилган, муайян макон ва замонга боғлиқ реал талаффуз қилинувчи барча акустик-артикуляцион бирликлар оттенкалар саналади. Англашиладики, фонема ва унинг оттенкалари ўртасидаги муносабат икки босқичли муносабатдир: абстракт босқич (фонема), конкрет босқич (оттенка).

Демак, фонема – бу, бир томондан, барча оттенкаларнинг умумлашмаси, иккинчи томондан, ҳар қайси оттенка конкрет ҳолларда шу фонеманинг вакили ҳисобланади.

Фонема оттенкалари бир фонема доирасида бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Оттенкалар умумлашмаси (фонема) бошқа оттенкалар умумлашмасига (фонемага) қарама-қарши қўйилади. Шунинг учун ҳам Л.В.Шчерба фонемани қисқа қилиб “конкрет вазиятда оттенкалар сифатида намоён бўладиган умумлашмадир” деб изоҳлайди [4.171].

Англашиладики, Ленинград фонологик мактабида фонемалар бир-бирига қарама-қарши қўйиш асосида белгиланади. Ўзаро қарама-қарши муносабатда бўлувчи икки минимал бирлик қарама-қарши аъзолар саналади. Қарама-қарши

Д.Набиева *– АДУ тилшунослик кафедраси мудири, филология фанлари доктори;*
Н.Юсупова *– АДУ хорижий тиллар факультети 3-босқич талабаси*

муносабатдаги аъзолар бир қатор белгиларга эга бўлиб, шулардан биттаси фарқловчи, қолганлари фарқламайдиган (нодифференциал, иррелевант) белгилар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фонема фарқловчи белгилар умумлашмаси сифатида тавсифланади [2. 76].

Прага лингвистик мактабида ҳам зидланишлар асосий мезон саналади. Зидланишлар "оппозициялар" атамаси билан номланади. Хусусан, Н.С.Трубецкой фонологик системани лексик ва грамматик маъноларни фарқлаш учун хизмат қиладиган фонологик оппозициялар мажмуаси сифатида талқин қилади. У фонологияда асосий ролни фарқловчи белгилар ўйнашини таъкидлайди [3.74].

Фонеманинг муҳим функционал белгиси маъно фарқлашдир. Фарқлаш тушунчаси зидлаш тушунчасини тақозо этади. Н.С.Трубецкойнинг таъкидлашича, икки нарса бир-бирига зидланганидагина ўзаро фарқли белгиси намоён бўлади. Худди шунингдек, товушларнинг белгиси ҳам бошқа шунга яқин товушларнинг белгисига зидлангандагина, унинг маъно фарқлаш (дистинктив) функцияси намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам тил бирликларининг фарқланишида лингвистик зидланишлар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай зидланишлар лингвистик бирликларнинг таснифи учун асос бўлади.

Ўзбек тилидаги ундош фонемалар ҳам ўзаро зидланиш учун асос бўлувчи уч белги – артикуляция ўрни, артикуляция усули ҳамда овоз ва шовқин иштирокига кўра белгилари асосида тасниф қилинади.

Артикуляция ўрнига кўра ундошлар бўғиз, тил ва лаб ундошларига ажратилади. Булар, ўз навбатида, ички бўлинишларга эга.

Артикуляция усулига кўра ундошлар сирғалувчи, портловчи ва портловчи-сирғалувчиларга (қоришиқ) бўлинади.

Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ҳам ундошлар уч гуруҳга бўлинади: сонорлар, жаранглилар ва жарангсизлар.

Ўзбек тили фонологик системасидаги ундошлар учун юқоридаги белгилар фонологик муҳим саналади ва уларнинг ўзаро фарқланиши учун асос бўлади. Масалан, [г] ва [к] фонемаларининг биринчи ва иккинчи белгиси бир хил. Яъни уларнинг иккиси ҳам тил орқа, портловчи ундошлардир. Системада уларни бир-биридан фарқловчи белги – овоз ва шовқин иштироки белгисидир: [г] – жарангли, [к] – жарангсиз. Ёки [д] ва [ж] зидланишида иккала фонема ҳам тил олди, иккаласи ҳам жарангли бўлиб, артикуляция ўрни ҳамда овоз ва шовқиннинг иштироки белгилари улар учун интегратив белги ҳисобланади. Артикуляция усулига кўра белгиси эса ушбу фонемаларнинг дифференциацияси учун асос бўлади: [д] – портловчи, [ж] – қоришиқ (портловчи-сирғалувчи). Шу белгиси асосида тил системасида улар бир-биридан фарқланади. Кўринадики, шу уч белги ўзбек тилининг фонологик системасида мавжуд ундошларни бир-биридан фарқлаш учун асос бўлади.

Лекин тасниф учун асос қилиб олинган юқоридаги уч хусусият нисбий бўлиб, айрим ундошларнинг фарқланиши учун етарли эмас. Хусусан, [с] ва [ш] фонемаларининг иккиси ҳам артикуляция ўрнига кўра тил олди, артикуляция усулига кўра сирғалувчи, овоз ва шовқин иштирокига кўра иккиси ҳам жарангсиз. У ҳолда улар ўртасидаги фарқ нимада?

Бизнингча, бу саволга жавобни зидланиш системасини таҳлил қилиш орқали топиш мумкин.

Н.С.Трубецкой зидланишларни тасниф қилишда қуйидаги уч белги муҳимлигини таъкидлайди:

1) зидланувчи аъзоларнинг зидланиш системасига муносабатига кўра;

2) зидланувчи аъзолар ўртасидаги муносабатга кўра;

3) зидланувчи аъзоларнинг маъно фарқлаш кучига кўра [3.74)].

Ўзбек тилидаги ундош фонемаларнинг таснифи учун асос қилиб олинган юқоридаги уч хусусият зидланувчи аъзоларнинг ўзаро муносабатига кўра белгиларни ташкил қилади. Лекин системага мансуб ҳар бир фонемани ўзи мансуб қатордаги бошқа фонемадан фарқлаш учун, хусусан, [с] ва [ш] ўртасидаги фақланишни ёритиб бериш учун бу белгилар етарли бўлмаслиги мумкин. Шундай ҳолларда зидланувчи аъзоларнинг зидланиш системасига муносабатини ҳисобга олиш зарур бўлади. Бунга кўра, зидланишлар бир ўлчовли ва кўп ўлчовли бўлиши мумкин.

Бир ўлчовли зидланишларда зидланувчи аъзоларнинг зидланиши учун асос бўлган белги фақат шу зидланиш учунгина хос бўлиб, зидланиш системасининг бошқа аъзоларида учрамайди. Шунга кўра, [с] ва [ш] зидланиши айнан бир ўлчовли зидланиш ҳисобланади. Чунки [ш] [с] дан "шиппилловчи" эканлиги билан фарқ қилади ва шу белгиси уларнинг ўзаро фарқланиши учун асос бўлади. Бундай зидланиш системанинг бошқа аъзолари ўртасида учрамайди. Бундан ташқари, [ш] нинг "шиппилловчи"лик хусусияти ўзбек тили фонологик системасидан ўрин олган фонемаларнинг ҳеч бирида мавжуд эмас. Бу эса унинг **ажралган зидланиш** эканлигидан далолат беради.

Худди шундай зидланиш турини [л] ва [р] ўртасида ҳам кузатиш мумкин. Фонологик системада [л] “ён”лик, [р] эса “титроқ”лик белгиси билан бошқа фонемалардан ажралиб туради. Улар ўртасидаги зидланиш бир ўлчовли зидланиш бўлиб, уларнинг фарқланиши учун асос бўлувчи “ён”лик ва “титроқ”лик белгилари эса фақат шу бирликлар учунгина хос бўлган, бошқа ҳеч қайси бирликда такрорланмайдиган **ажралган зидланишдир.**

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фонемаларни таснифлашда зидланувчи аъзоларнинг ўзаро муносабатларигагина таяниб иш кўриш ҳар доим ҳам тил системасидаги барча элементларнинг ўзаро дифференциациясини очиб бериш учун етарли бўлавермайди. Бундай ҳолатларда зидланувчи аъзолар ўртасидаги муносабатларни ёритишда, улар ўртасидаги фарқловчи белгиларни ажратишда система аъзоларининг зидланиш системасига муносабатига эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунда бир ўлчовли ва ажралган зидланишлар алоҳида аҳамият касб этиб, айрим фонемалар учун таснифий белги сифатида фонологик қиммат касб этади.

Адабиётлар:

1. Соссюр Ф. Труды по общему языкознанию.- М.: Наука, 1977.
2. Стеблин-Каменский. Фонема-пучок РП?./ Спорное в языкознании.- Л.: ЛГУ, 1974.
3. Трубецкой Н. С. Основы фонологии.- М.: Иностранная литература, 1960.
4. Щерба Л.В. Очередные проблемы языковедения.- М., 1945.

2015 йил 25 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова)